O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 27 FEVRAL ◆ SESHANBA ◆ № 26 (26.728)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**

## А. АБИДОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Акилжон Абидов Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 26 февраль

ХДП хабарлари

## МАРКАЗИЙ КЕНГАШ СИЁСИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ВА КОТИБИЯТИ ЙИҒИЛИШЛАРИ

2001 йилнинг 24 февраль куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши III пленумини ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатлар, партия Марказий Кенгашининг 2001 йил март-декабрь ойларидаги иш режаси, 2000 йилги партия бюджетининг ижроси ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2001 йилги бюджети лойиҳаси тўғрисидаги масалалар муҳокама этилиб тегишли қарорлар қабул қилинди.

***

Марказий Кенгаш Котибиятининг ўша куниёқ бўлиб ўтган йиғилишида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2001 йил 1 январига бўлган таркиби тўғрисидаги ҳисобот, партиянинг 10 йиллигини нишонлаш юзасидан Марказий Кенгашнинг тадбирлар дастури ҳамда Ўзбекистон ХДП нашрларига 2001 йил учун обунанинг якунлари тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Котибият мазкур масалалар юзасидан қарорлар қабул қилди.

## ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ПЛЕНУМИ

2001 йилнинг 24 февраль куни Ўзбекистон ХДП Марказий тафтиш комиссиясининг III пленуми бўлиб ўтди. Унда, Марказий тафтиш комиссиясининг раиси С. Ҳ. Аъзамовнинг, 2000 йилда, комиссия томонидан амалга оширилган ишлар бўйича, ҳисоботи тингланди. Пленумда Марказий тафтиш комиссиясининг 2001 йилга иш режаси тасдиқланди.

## ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

**2001 йил, 24 февраль куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг III пленуми бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистон ХДП парламентчилик фаолиятини янада такомиллаштириш вазифалари, ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг 2000 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисобот, республика Олий Мажлисидаги ХДП фракциясининг ўтган йилдаги иши ҳақида ахборот, партия ташкилотларининг Она ва бола йили тадбирларида иштирок этиш борасидаги вазифалари, ХДП ташкилотларининг ёшлар ўртасидаги фаолиятининг долзарб масалалари, Ўзбекистон ХДПнинг 2000 йилги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари ва унинг 2001 йилги бюджети лойиҳасининг асосий кўрсаткичлари ҳамда партия фаолиятига доир бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов, «Ўзбекистон ХДП парламентчилик фаолиятини янада такомиллаштириш вазифалари тўғрисида», маъруза қилди. Маъруза бўйича музокараларда Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши биринчи котиби С.Раҳимов, «В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамияти бошқаруви раиси — бош директори, Олий Мажлис депутати В. Кучеров, Кармана тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси М.Адизова, «Муборакнефтгаз» нефть ва газ конлари бошқармаси бошлиғи, Олий Мажлис депутати Н. Зайниев, Қибрай тумани «Ўнқўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси М. Тожиева, Ўзбекистон ХДП Тахтакўпир туман кенгаши биринчи котиби О.Матниёзовлар сўзга чиқдилар.



Пленум, муҳокама этилган масалалар юзасидан, тегишли қарорлар қабул қилди.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Марказий тафтиш комиссияси аъзолари, вилоят кенгашларининг, партия марказий сайланма органлари аъзоси бўлмаган, котиблари, Олий Мажлисдаги ХДП фракциясининг қатор аъзолари, айрим, ХДП билан ҳамкорлик қилувчи, республика жамоат бирлашмаларининг раҳбарлари, Тошкент шаҳар ва вилоятидаги шаҳар ҳамда туман партия кенгашлари биринчи котиблари, партия оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

## МЕНИНГ 10 ЙИЛЛИГИМ

## ЯНГИ ТАФАККУР БИЛАН

**Абдулҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Телерадиокомпанияси «Ижтимоий-сиёсий эшиттиришлар» Бош муҳарририятининг бош муҳаррири:**



— Мозийда улуғ бир илм соҳиби, ҳаётий тажрибага бой донишманд, шогирдларидан:

— Дунёда энг буюк неъмат нима? — деб сўрабди.

Шогирдлар:

— Нон, ота-она, фарзанд, муҳаббат, умр, соғлиқ каби жавобларни айтишибди.

Донишманд:

— Тўғри, сизлар айтган ибтидоларнинг ҳаммаси ҳам улуғ ва азиз, буюк ва қимматли неъматлардан. Инсон фарзанди учун Ҳурлик, Озодлик, Эркинликдан бошқа буюк неъмат бўлиши мумкин эмас. Чунки, сизлар айтган ҳаётий ибораларнинг ҳаммаси ҳам Ҳурлик, Озодлик ва Эркинлик бўлгандагина ширин ва тотли бўлади.

Шу қадим юртнинг бир фарзанди сифатида ҳуррият эпкинларидан баҳра олиб, ғурур ва ифтихор туйғуларига йўғрилиб яшаётирман. Биз тенгилар ҳаётининг мусбат ва манфий, «оқ ва қора» жиҳатлари ҳам бор. Бугун эса уларни бемалол айтиш имкони ва ҳуқуқига эгамиз. Собиқ СССР даврида газета ва журналларимизда «Атеистик» бурчаклар бўларди. Ҳозир бунинг сабабларини айтмасак ҳам бўлади. Нашрларда мақолалар минг хил чиғириқдан ўтгандагина чоп этиларди. Уларнинг сони ҳам саноқли эди. Ҳозирда нашриётлар ва газеталарнинг ўнлаб, юзлаб тури борлигини эслаб ўтмоқнинг ўзи фикримиз тасдиғидир. Ўзбекистон Телерадиокомпанияси тизимида ҳам истиқлол йилларида каналлар сони ошиб кетди. Айниқса, ёшлар учун махсус каналлар очилганлиги қувонарлидир. Айни пайтда биргина Ўзбекистон радиоси тўртта дастур орқали, суткасига 76 соатлик эшиттиришларни тайёрлаб, ҳаво мавжларига узатмоқда. Илгари бундай имкониятлар бўлган эмасди.

Мустабидлик тузуми даврида илмий тадқиқотчи сифатида кўп бор Москвада бўлганман. Қизил майдоннинг ёнгинасидаги Марказий кутубхонада бўлганимда, шу муҳташам бинонинг деворлари тепасида савлат тўкиб турган даҳолар, жаҳон илм-фанига, маданиятига улуш қўшган пешволар орасида улуғ қомусчи боболаримиздан бирортасининг ҳам ҳайкали йўқ эди.

Бугун чин ҳуррият туфайли зулмат ичида чанг босиб, таҳқирланиб ётган боболаримиз мероси гўё тирилиб, юртимизга, халқимизга қайтди. Таълим тизимини жаҳон андозалари даражасига кўтардик. Янги таълимнинг гимназия, коллеж ва академик лицей каби турлари пайдо бўлди. Олий ва ўрта махсус таълим тизимини битирганларнинг меъёрий ҳужжатлари, дипломларида янги номлар — бакалавр, магистр ёзувлари пайдо бўлгани ҳам қувончли.

Бор ҳақиқатни қуёшга тик қараб айтиш мард кишининг иши. Зеро, кўнгилдаги минг йиллик армонлар ушалиши кимни хушнуд этмайди дейсиз. Қафасдан чиқиб, эркин парвоз этиш қушга қувонч бахш этса-ю, одамнинг тобе, муте ва қарамликдан қутулганлигининг ҳеч баҳоси бўлиши мумкинми?!

Мустақиллик — бу улуғ неъмат. Унинг қадрини таққослаганда биламиз. Шу ўринда кечаги кунимизга нигоҳ ташлаб ўтмоқчиман. Камина маълум фурсат «Ойдин» деган газетада ишлагандим. Бу газета чет эллардаги ватандошлар билан маданий алоқа боғлайдиган «Ватан» жамиятининг нашри эди. Газетанинг пешлавҳасида «Она юртинг омон бўлса, ранги рўйинг сомон бўлмас», деган сўзлар бўлар эди. Қанчалар ватандошларимиз «Ойдин»ни ўқиб, юқоридаги шиорни такрор-такрор айтишарди. «Ватанимиз қачон озод бўлади?», «Қачон Ватанни бориб кўрамиз?», «Ватаннинг бир сиқим тупроғига зормиз», деган мазмундаги хатларни кўплаб олардик. Айрим ҳолда чет элдан бирор ватандошимиз келадиган бўлса, у борадиган йўллар таъмирланар, ҳатто меҳмон борадиган уй-жойлар яхшиланар, кўз-кўз қилиш учун хонадонлар барча керакли жиҳозлар билан безатилар эди. Чунки, социализмда одамлар мўл-кўл, тўқ ва бой яшайди, деб уқтиришарди-да.

Шу ўринда яна бир гап, озодликнинг яна бир имкони, у кўнглимизга ўз эътиқодимизни қайтарди. Бу жумланинг исботи учун айтишим мумкинки, мустақиллик йилларида камина ҳам минг-минглаб ватандошларимиз сафида Ҳажга боришга мушарраф бўлдим. Озодлик берган диний эркинликни юрт ободлиги, халқ маънавияти ва миллат тақдирига йўналтирмоқ лозим.

Ватанга, миллатга, мустақил мамлакатнинг Конституцияси, миллий байроғи, тили, тамғаси ва мадҳиясига бўлган иззат-ҳурматни ўз жойига қўйиб, учинчи мингйилликда, яъни XXI асрда ўзбекона соф фикр, соф ақл билан, энг муҳими, мустақилликни асрайдиган халқ сифатида фаолият кўрсатайлик.

## ЁШЛАР — МАМЛАКАТ УМИДИ, МИЛЛАТ ТАЯНЧИ

## БОЛАКАЙ, ТЎХТА, СЕНИ АСРАБ ҚОЛАМИЗ

*«Самарқанд дарвоза»нинг тор кўчасида одамлар билан тўла автобус аста борарди. Ойнадан кўчани томоша қилиб кетаяпман. Ёнимдаги аёл сал нарироқдаги жувон билан суҳбатлашар, тўғримдаги зиёлинамо одамни эса мудроқ босган Шу вақт...*

*Кўз ўнгимда 4-5 ёшлардаги бола дарвозаси очиқ уйдан чиқди-да, чопқиллаб кета бошлади. Мен хавотир билан кўчага разм солдим, тор жойда йўналиш икки тарафлама, йўлак ҳам жуда кичик эди. Агар бола катта йўлга чиқиб кетса борми! Худо кўрсатмасин!*

*Болани бир мен кўрмабман. Ёнимдаги аёл дугонасига шошилиб деди:*

*— Анов болани қаранг, шунақа жойда ўйнаб бўларканми. Ҳойнаҳой, уйдан қочиб чиққан бўлса керак, шумтака.*

*Зиёли киши сергак нигоҳ билан бироз қараб турди-да, деди:*

*— Онасининг кўзи қаёқда экан? Наҳот болани бeқаров ташлаб қўйса...*

*Яна кимлардир баҳсга қўшилиб кетишди. Бола эса дунё ишларидан бехабар, қийқириб, чопқиллаб борарди.*

*Мен бот-бот ўша воқеани эслайман. Ўзимнинг ўшандаги журъатсизлигимдан азобланаман. Ўша қочоқ гўдакнинг тақдири мени ўйлантиради, онаси уни топиб ололдимикан, у уйига соғ-омон қайтдимикан?*

*Автобус — бу ҳаёт, биз тақдир тақозоси билан бир жойга жамланиб қолган одамлар, автобусдан атрофга томошабин сифатида боқиб кетаверамиз. Ўшанда автобусдан шахд билан тушиб, болани онасига қайтаришга бел боғлайдиган мард топилмаганидек, бугунги ҳаётимизда ҳам ўз рўзғор ташвишларига ўралиб, атрофга бефарқ, лоқайд боқаётганлар орасида ўзингиз ҳам борлигингиз ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?*

*Ёшларнинг тарбиясиз, бебош бўлиб кетаётганлари ҳақида кўп эшитамиз. Айниқса, автобусларда, тик туриб қолган қариялар тилидан кўп бор жаранглаганига гувоҳмиз.*

*Ёшлар масалаларига бағишланган йиғилишда Президентимизнинг шундай сўзлари бор:*

*«Азиз дўстлар, ўзингиз бир ўйлаб кўринг, ёшларга биринчи навбатда нима керак? Эътибор керак».*

*Ҳақиқатдан ҳам, кўчат парвариш қилинса, озгина эътибор берилсагина ўсиб кетади. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган ғунча бегона ўтлар орасида ғовлаб, йўқ бўлиб кетиши турган гап.*

*Ёшлар орасида муаммолар талайгина, лекин уларни якка-якка ҳолда ечиб бўлмайди ёки сокин кабинетларда ўтириб ҳал этилмайди. Чекка қишлоқдаги тенгдошларимиз ҳолидан хабардор, нафақат хабардор, балки улар билан ҳамқадам, ҳамнафас бўлмоғимиз даркор. Бу осон иш эмас, албатта. Лекин ҳар бир йигит-қиз буни дилдан ҳис этса, четдан туриб томошабин бўлиб эмас, балки шу юрт, келажак учун масъулликни ҳис этган ҳолда изланса, кураша, нимагадир эришиш мумкин.*

*Муаммолар гапирилди, гапирилмоқда, лекин яна бир нарсага тўхталмоқчи эдим, бу истеъдодли ижодкор ёшлар масаласи. Ишбилармонлар бирон нарсага пул сарфлашдан аввал унинг орқасидан келадиган фойда ёки зарар ҳақида ўйлашади. Қишлоқда истеъдодли ёшлар кўп. Улар ўз кучларини қаерга сарфлашни билишмайди. Ва мана шу иллат — бекорчилик, эътиқоддаги бўшлиқ уларни бошқа ерлардан ўзларига номуносиб «иш» топишига сабаб бўляпти.*

*— Дарсдан бўш вақтларда қўшимча маблағ топиш қийин масала. Қурилишлар билан шартномалар қилинса эди, ҳам уларга ёрдам, ҳам бизга моддий манфаатдорлик, — дейди Комилжон исмли талаба.*

*Мен мудроқ вужудларимизнинг сергак тортишини истайман. Токи, эртага ўз виждонимиз, келажагимиз олдида уялиб қолмайлик.*

*...Автобусни тўхтатинг, мен тушишим керак. Болакай, қўрқма, биз сени асраб қоламиз.*

■ **Шаҳрибону НОЗИЛОВА**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 27 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */**

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 176,14 | 1 Дания кронаси | 41,10 | 1 Канада доллари | 217,78 | 1 СДР | 429,75 |
| 1 Австрия шиллинги | 22,29 | 1 БАА дирхами | 91,10 | 1 Хитой юани | 40,42 | 1000 Туркия лираси | 0,31 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 486,80 | 1 АҚШ доллари | 334,55 | 10 Люксембург франки | 76,02 | 1 Финляндия маркаси | 51,57 |
| 10 Бельгия франки | 76,02 | 1 Миср фунти | 86,11 | 1 Малайзия ринггити | 88,05 | 1 Франция франки | 46,75 |
| 1 Голландия гульдени | 139,15 | 10 Испания песети | 18,43 | 1 Германия маркаси | 156,79 | 1 Швейцария франки | 199,97 |
| 10 Греция драхмаси | 9,01 | 100 Италия лираси | 15,84 | 1 Польша злотийси | 81,10 | 1 ЕВРО | 306,65 |
| | | | | | | 10 Жанубий Корея вони | 2,68 |
| | | | | | | 10 Япония иенаси | 28,84 |
| | | | | | | 1 Россия рубли | 11,66 |
| | | | | | | 1 Украина гривнаси | 61,62 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## ЧЎЛ ШАМОЛИНИ ТЎСИБ



**Чўлни қоқ иккига бўлиб ўтган кенг асфальт йўл ёқасидаги тераклар шабадада сой суви шилдирашига ҳамоҳанг шовуллайди. Фарғонанинг Бувайда тумани билан Наманганнинг Поп тумани ерларини бир-бирига туташтирувчи бу йўл кета-кетгунча минглаб терак ниҳоллари билан безаниб, ажойиб манзара касб этган. Кўз илғамас уфққа туташ даштда лайлакларнинг «так-так»и баҳор бошланганидан дарак беради. Шу йўлдан икки-уч чақиримча юргач, шинам бир қишлоққа кирасиз. Бу — Поп туманидаги «Наврўз» жамоа хўжалигига қарашли Бекмирзаобод қишлоғи. Қишлоққа кираверишда турар-жой бинолари, тиббиёт хонаси, савдо дўкони, чойхона, новвойхонага кўзингиз тушади. Кишилар қўлларида белкурак, кетмон — кўчат экиш билан банд.**

**— Теракчиликни қойиллатиб қўйибсиз, ука. Ўн километрча келар, терак ўтқазилган йўлнинг узунаси? — деди ҳамроҳим.**

**— Йўқ, сал озроқ. Саккиз километр. Йўл қирғоғига экилганларнинг ўзи ўн минг туп-да, — деди жамоа хўжалиги раиси ўринбосари Абдуҳаким Турдалиев.**

**Эзгу ниятлар билан савобли ишга қўл урилди. Аммо чўлнинг нимаси ёмон, шамоли! Айниқса, дайди Қўқон шамолидан худо асрасин! У худди калтакесакдай ер узра югурар, маст туядай ўкирар, оч аждаҳодай осмону фалакка сапчир, йўлида учраган жонли-жонсиз нарсани чирпирак қилиб учириб кетади.**

**Мана шундай шароитда теракларни «оёққа турғазиш»нинг ўзи бўлмайди. Уларни суғориш, ўстиришга масъул кишилар тайинланди. Аввалги теракзорлар барқ уриб, кишилар корига ярайдиган бўлиб қолди. Етилганлари кесилиб, дала шийпонлари қурилди. Сўнгги олинган маълумотларга қараганда, йўл четларидан ташқари, қишлоқ хонадонларида ҳам қурилишбоп терак кўчатлари етиштириш йўлга қўйилди. Ҳисоб-китобларга кўра, етилган тераклар 2500 тупга яқин, ёш ниҳоллари эса 29 минг тупга яқинлашиб қолди.**

■ **Турғунбек МАҲКАМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

# ЎЗБЕКИСТОН ХДП ПАРЛАМЕНТЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

## Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг Марказий Кенгаш III пленуми (2001 йил 24 феврал)даги маърузаси*

Марказий Кенгашнинг III пленуми партиямизнинг XXI аср бошида ўтаётган илк йирик анжуманидир. Биз янги асрда яшаётганимиз масъулиятини теран ҳис этиб, режаларимиз, саъй-ҳаракатларимизда буни ҳисобга олишимиз керак. Чунки, вақтдан ортда қолган, замон талаблари билан ҳисоблашмайдиган ҳар қандай ташкилот истиқболсиздир.

XXI асрнинг дастлабки йили Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 10 йиллиги нишонланиши билан алоҳида аҳамиятлидир. Истиқлол йилларида мамлакатимиз босиб ўтган йўл ўзининг кўлами, мазмун-моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан кўплаб ўн йилликлар, ҳаттоки, асрларга тенг десак, янглиш бўлмас. Чунки, халқимиз асрлар давомида кутган, озодлик, миллий мустақиллик, маънавий қадриятларни тиклаш, ижтимоий адолат тамойилларини жорий қилиш каби, орзулар, эндиликда, ушалди ёки уларни рўёбга чиқариш учун тегишли замин ҳозирланди. 2000 йилда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг якунлари ҳам буни тасдиқлайди. Бу ҳақда, республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 16 февралда бўлиб ўтган мажлисида, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов томонидан, батафсил гапирилди.

Жорий йилнинг муҳим жиҳатларидан бири шуки, унинг тўртинчи чорагида, миллий истиқлолнинг ўн йиллик байрамидан кейин, ХДПнинг ҳам 10 ёшга тўлганлигини нишонлаймиз. Бу икки воқеанинг бирин-кетин келиши бежиз эмас. Партиямиз мустақиллик туфайли туғилди ва, ўтган давр давомида, унинг ишончли сиёсий таянчи бўлиб келди. Унинг кўп сонли аъзолари мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этиб, янги Ўзбекистонни бунёд этишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Марказий Кенгаш Котибияти ушбу муҳим сиёсий воқеаларга муносабатини ва партия ташкилотларининг бу борадаги вазифаларини ўзининг махсус қарорларида ифода этди. Уларнинг тўла бажарилиши — умумхалқ байрамини нишонлашга тайёргарлик кўриш ишига қўшган муносиб ҳиссамиз бўлади.

**Ўзбекистон ХДП кўпқиррали фаолиятининг устувор йўналиши, бу — парламентчилик ишидир.** Чунки, у парламентни ўз дастурий ғояларини ҳаётга татбиқ этишнинг бош майдони, асосий қонуний воситаси, деб ҳисоблайди. Марказий Кенгаш, ортда қолган йилда, партиянинг парламентчилик ишига ва ўзининг, МК котиби И. А. Кочмарик раҳбарлик қилаётган, Олий Мажлисдаги депутатлик фракцияси фаолиятига, ана шундан келиб чиққан ҳолда, ёндашди. Бу соҳада қилинган ишларга, умуман, ижобий баҳо бериб,— деди маърузачи,— шу билан бирга, Олий Мажлисдаги фракциямиз ишини замон талаблари даражасига кўтариш зарур. Бунда қуйидагилар муҳим:

**Биринчи.** Фракциянинг диққат марказида партиянинг дастурий вазифаларини рўёбга чиқариш масалалари туришини таъминлаш. Бунга, энг аввало, фракциянинг қонун яратувчилик ишидаги иштироки ва ташаббускорлигини кучайтириш орқали, эришиш мумкин. Хусусан, партия Дастурида илгари сурилган ғояларни ҳаётга татбиқ этиш, сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ишларини фаоллаштиришга доир долзарб муаммолар бўйича, қонунчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш керак. Бунда депутатларимиз, уларга Олий Мажлис тўғрисидаги Қонун бераётган, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан самарали фойдаланишлари даркор.

**Иккинчи**. Олий Мажлисдаги ХДП фракциясининг мунтазам ишлашини таъминлаш. Бунинг учун, сессиялар оралиғида, қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, биринчи ўқишда қабул қилинган қонунлар лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасини ташкил қилишда қатнашиш, янги қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ҳамда уларнинг ижросини назорат қилишга ҳисса қўшиш талаб қилинади.

**Учинчи.** Олий Мажлис ва фракция фаолиятида ҳар бир депутатнинг бевосита иштирокини таъминлаш. Бу нафақат депутатларимизнинг саъй-ҳаракатларига, балки, партия ташкилотларининг уларга кўмак беришларига ҳам боғлиқ.

Ўзбекистон ХДПнинг парламентчилик фаолиятида унинг **халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг** ҳам ўз ўрни бор. Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашларига партиядан сайланган депутатлар салмоғи барча депутатларнинг 38 фоизини ташкил этади. Бундай катта кучга таяниб, аҳолининг кундалик турмушига тааллуқли, ижтимоий-иқтисодий дастур ва режаларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ҳамда ижросини назорат этиш мумкин.

Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитаси, шуни ҳисобга олиб, «Иккинчи чақириқ халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида фаолият кўрсатаётган ХДП депутатлик гуруҳлари тўғрисида»ги, масалани махсус муҳокама қилди. Жойларда олиб борилаётган ишларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, Андижон, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоят партия ташкилотларининг саъй-ҳаракатлари билан, бу ердаги барча даражадаги давлат ҳокимияти вакиллик идораларида, ХДП депутатлик гуруҳлари тузилиб, рўйхатдан ўтказилган ва улар иш бошлаган. Шу билан бирга, халқ депутатлари қатор вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳларини тузишда сусткашликка йўл қўйилганлиги, айримларида эса тузилган гуруҳлар рўйхатдан ўтказилмаганлиги аниқланди.

Ўшандан буён аҳвол бирмунча яхшиланди. Ҳозирги кунга келиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларининг барчасида ХДП депутатлик гуруҳлари тузилган бўлиб, уларнинг аксарияти рўйхатдан ўтказилган. Аммо, партия кенгашлари раҳбарларининг қатъиятсизлиги сабабли, Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Тошкент, Жиззах вилоятларининг 9 та шаҳар ва туманидаги давлат ҳокимияти вакиллик идораларида партия депутатлик гуруҳлари ташкил этилгани билан, улар, ҳозиргача, расмийлаштирилмай қолмоқда. Бу аҳволда улар қандай ишлай оладилар?!

Гап, албатта, депутатлик гуруҳларини тузиш ва рўйхатдан ўтказишдагина эмас, балки, энг асосийси, уларнинг тўлақонли фаолиятини таъминлашдан иборат. Хоразм, Қашқадарё, Тошкент вилоят ва Қорақалпоғистон республика партия ташкилотларида партиядан сайланган депутатлар билан мунтазам ишлаш, уларга кўмаклашиш ва ўз фаолиятлари тўғрисидаги ахборотларини ижроия бюро мажлисларида тинглаш амалиёти кўпдан бери қўлланилади. Лекин, афсуски, бу тажриба бошқа жойларда кенг ёйилмаяпти. Давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларига партиямиздан сайланган барча депутатларни фаол, деб бўлмайди. Партия ташкилотлари эса бунга бефарқ қарамоқдалар.

Депутатлик вазифаларини бажаришда, айниқса, сайловчилар билан мунтазам ишлашда, депутатлик қабулхоналарнинг аҳамияти беқиёс. Марказий Кенгаш маҳаллий партия ташкилотларидан, бу ишга етарли эътибор беришни талаб қилиши билан бир қаторда, зарур ёрдамини ҳам аямаяпти. Айни пайтда, кўпгина партия тузилмалари ҳузурида депутат қабулхоналари мавжуд бўлиб, уларнинг каттагина қисми фаолият кўрсатмоқда. Лекин, шу билан бирга, мунтазам ишламаётган қабулхоналар, депутатларнинг фуқароларни қабул қилиш вақтлари аниқ белгиланмаган, фуқаролар билан ишлаш натижаларини қайд қилиб бормаслик ҳоллари ҳам учрайди.

Партия матбуоти, бундай камчиликларга панжа орасидан қарамасдан, уларнинг сабабларини очиш орқали, партия ташкилотларига ёрдам бериши керак.

Ўз тажрибамиз асосида, айтиш мумкинки, партия парламентчилик фаолиятининг бир қаноти Олий Мажлисдаги ХДП фракцияси бўлса, унинг иккинчи қаноти — халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳларидир. Уларнинг баравар ҳаракат қилишларига эришиш — бутун партиянинг, унинг барча кенгашларининг энг муҳим вазифаси.

Мустақил Ўзбекистонни бунёд этишнинг ўта масъулиятли масалаларидан бири истиқлолпарвар **ёш авлодни вояга етказишдир.** Гап, бу ерда, фақат мустақилликни мустаҳкамлаш, ислоҳотларни изчил давом эттириб, демократик давлат, фуқаролик жамиятини қуришга қодир, муносиб ўринбосарларни тарбиялаш заруратидагина эмас. 1999 йил Тошкент, 2000 йил Янгиобод ва Боткен воқеалари, бир қисм йигит ва қизларнинг диний экстремистлар тузоғига тушганлигини, ёшлар билан ишлаш заифлашиб қолган жойларда ғанимлар таъсирининг кучайиши, фарзандлар тўғри йўлдан адашишлари мумкинлигини кўрсатди.

Партиямиз ушбу масалаларга ҳеч қачон бефарқ қараган эмас. У ёшларнинг муносиб вакилларини ўз сафларига жалб қилиб келмоқда, ёш кадрларни тарбиялаш ва раҳбарлик лавозимларига кўтариш ишлари билан мунтазам шуғулланмоқда, ёш етакчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Масалан, ўтган йилнинг ўрталарида, Марказий Кенгаш Котибияти ўзининг, «Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг ёшлар ўртасида олиб бораётган фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, қарорини қабул қилиб, маҳаллий партия ташкилотларига тегишли тавсиялар берган эди. Марказий Кенгаш ҳузурида, эндиликда, «Истиқбол» ёшлар клуби фаолият кўрсатмоқда. Минглаб йигит-қизлар, шу жумладан, партиясиз ёш фаоллар, барча даражадаги партия кенгашлари ҳузурида ташкил этилган, шундай клубларда сиёсий таҳсил олаётирлар.

Муносиб ёш фуқароларни ўз сафларига қабул қилиш ва уларни тарбиялаш масалалари ҳам партиямиз учун тақдиршумул аҳамиятга эгадир. Ҳозирги кунда, ХДП аъзолари орасида, ёшларнинг улуши 30 фоиздан ошди. Унинг сафларига кираётганларнинг ярмидан кўпи — ўттиз ёшгача бўлган фуқаролар. Кўплаб ёш сафдошларимиз бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, партия кенгашлари аъзолари ва котиблари этиб сайланганлар.

Партия янги таҳрирдаги Дастурининг, «Ёшлар — Ватан келажаги» деб номланган, махсус бўлимида ХДП ёшлар сиёсатининг устувор йўналишлари асослаб берилган. Шулардан келиб чиқиб, партиямиз Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини вужудга келтириш борасидаги ташаббусларни ҳамда юртбошимизнинг,бунга оид, таклиф ва тавсияларини қизғин маъқуллайди. Сиёсий ижроқўм партиянинг барча ташкилотлари ва матбуот нашрларини янги ҳаракатни шакллантириш ишига самарали ҳисса қўшишга даъват этади.

Шу билан бир қаторда, Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўми партиянинг ёшлар сиёсатини замон талаблари асосида такомиллаштириш чора-тадбирларини кўриш лозим, деб ҳисоблайди.

Шундан сўнг, маърузачи ХДП ташкилотларининг жойларда мафкуравий, оммавий-сиёсий, маданий-маърифий ишларни мунтазам олиб боришлари ёки давлат миқёсидаги муҳим тадбирларда фаол иштирок этишлари орқали, партиянинг дастурий ғоялари ва сиёсати билан аҳоли турли қатламларини кенгроқ таништириш, унинг ижтимоий имижини ошириш вазифалари ҳақидаги масалага тўхталди. Шу муносабат билан, у, жорий йилнинг мамлакатимизда Она ва бола йили, деб эълон қилинганлигини эслатиб, Сиёсий ижроқўмнинг, ХДП барча тузилмаларининг бунга оид Давлат дастурини бажариш билан боғлиқ, тадбирларда иштирок этишлари билан бир қаторда, ўз тадбирларини ҳам ўтказишлари лозим, деган нуқтаи назарини пленум қатнашчиларига етказди. Зеро, бу жамият учун ҳам, партиямиз учун ҳам, фақат фойда эканлиги шубҳасиз.

Маърузада **партия матбуоти,** хусусан, ХДП марказий нашрларига обунани уюштириш масалаларига кенг ўрин ажратилган. Сиёсий ижроқўм партия матбуот нашрларини фаол қўллаб-қувватлаб, уларнинг фаолияти учун тегишли шарт-шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, партия журнали ва газеталарига, 2001 йил учун обунани ташкил этиш бўйича, аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, уларнинг бажарилиши назорат этилди.

Аммо, фақатгина Гулистон, Зарафшон, Тахиатош шаҳар ва Муборак туман партия кенгашлари барча назорат рақамларини ортиғи билан бажарган бир пайтда, барча вилоятлар, аксарият шаҳар ва туман партия кенгашлари, бошланғич ташкилотлари «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» ва маҳаллий партия кенгашлари газеталари ҳамда «Мулоқот» журналига 2001 йил учун обуна топшириқларини барбод этдилар. Айниқса, Самарқанд, Наманган, Сурхондарё, Тошкент ва Бухоро вилоят, Ангор, Андижон, Бандихон, Ёзёвон, Олтинсой, Сўх, Қорасув, бошқа бир қатор шаҳар ва туман партия кенгашлари бундай «муваффақият»га энг катта «ҳисса» қўшдилар.

Маърузачи **партиянинг мамлакатдаги нуфузли жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлиги** тўғрисида ҳам сўзлаб берди. Ўтган йилнинг сентябрида, Марказий Кенгаш ташаббуси билан, мамлакатдаги барча сиёсий партиялар ва қатор нодавлат ташкилотлар вакилларининг, «Ўзбекистон — умумий уйимиз!» шиори остидаги, учрашуви ўтказилиб, унда тадбир иштирокчиларининг Қўшма баёноти ҳамда халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши курашишнинг Ҳамкорликдаги амалий ҳаракатлар дастури қабул қилинди.

Ноябрь ойи бошларида Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўми ҳамда «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси раҳбарияти, «Экология ва сиёсат: фаолият доираси, муаммолар ва уларнинг ечими» мавзуида, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокидаги, «давра суҳбати»ни ўтказдилар. Унинг ниҳоясида, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва «Экосан» жамғармаси ўртасида, ўзаро ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Ушбу қадамнинг партиямиз экологик дастурини тайёрлаш ва унинг ташкилотлари ҳамда матбуот нашрларининг табиатни эъзозлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари билан янада кўпроқ шуғулланишлари учун муҳим аҳамиятли эканлигини назарда тутиб, шундай икки томонлама ҳамкорликни ҳар бир вилоят, шаҳар, туман, меҳнат жамоаси ва аҳоли истиқомат жойлари миқёсида ривожлантириш даркор. Қорақалпоғистон республика ва Хоразм вилояти, қатор бошқа маҳаллий партия ташкилотлари, табиатни муҳофаза қилиш идора ва муассасалари билан биргаликда, турли тадбирлар ўтказмоқдалар. Лекин, экологик танглик хавфи тобора кучайиб бораётган вазиятда, булар етарли эмас. Эндиликда, партиямизнинг, табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ, қарашлари ривожлантирилиб, жорий йилда унинг экологик дастурини қабул қилиш заруратга айланди.

Республика «Маҳалла» жамғармаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари билан ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу соҳада жойларда муайян ижобий ишлар қилингани рост. Бироқ, улар билан чекланмай, ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришимиз лозим.

Албатта, касаба уюшмалари, хотин-қизлар қўмиталари, «Нуроний» жамғармаси, ногиронлар жамияти, ижодкорлар уюшмалари билан ишлаш, ҳамкорлик қилиш масалалари ҳам ҳамиша диққат марказида бўлиши керак.

**Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг халқаро алоқалари тобора кенгаймоқда.** Ўтган йил давомида, Марказий Кенгашда, юртимиздаги ўндан зиёд хорижий мамлакатлар элчилари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, шунингдек, қатор мамлакатларнинг давлатни идора этувчи партиялари делегациялари қабул қилинди. Биз, партия ва мамлакат манфаатларига жавоб берувчи, бундай алоқаларни янада ривожлантириш тарафдоримиз.

Партия фаолиятининг муваффақияти,— таъкидлади маърузачи,— кўп жиҳатдан, **ички партиявий ишларга,** уларнинг талаб даражасида бўлишига боғлиқ. Авваламбор, ХДП сафларини мустаҳкамлаш тўғрисида. Ўзбекистон ХДП аъзоларининг умумий сони 550 минг нафардан ошган бугунги шароитда асосий эътиборни ташкилотларимиз таркибининг сифатини оширишга қаратмоқ керак. Илғор демократик мамлакатларда, сиёсий партиялар фақат кўпсонлилик билан эмас, балки, асосан, ўз атрофларида имкон қадар кўпроқ партиясиз фуқароларни тўплаш, сайловчиларнинг аксариятини ортларидан эргаштириш орқали, жиддий муваффақиятларга эришмоқдалар.

Ана шу тажриба ҳамда мамлакатимиз ва партиямиз ривожланишининг ҳозирги босқичи, эндиликда, ХДП сафларини сиёсий ва иқтисодий фаол қатламларнинг муносиб вакиллари ҳисобидан кенгайтиришни ҳамда партия аъзоларининг ижтимоий фаоллигини оширишни тақозо этмоқда.

Партия ҳаётида ижро этиш интизоми, яъни ХДП Низоми талабларига қатъий риоя этиш, қилинган ишлар тўғрисида вақтида ахборот бериш, кенг жамоатчиликни хабардор қилишнинг аҳамияти каттадир. Афсуски, бу соҳада ҳам, ижобий ишлар билан бир қаторда, жиддий камчиликлар мавжуд. Биргина мисол. Маълумки, Марказий Кенгаш ташаббуси билан, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарида, **«Шу кунларда» — «В эти дни»** сарлавҳаси остида, партия ташкилотларининг жорий фаолиятини ёритиб бориш ташкил қилинди. Уларга қараб, ХДП тузилмаларининг амалий ишлари хилма-хиллигини кўриш мумкин. Бироқ, хабарлар таҳлили, айрим жойларда, партиявий, оммавий-сиёсий тадбирлар кам ўтаётганлигини, баъзиларида умуман ўтмаётганлигини ёки бўлиб ўтганлари ҳақида тезкор ахборот берилмаётганлигини кўрсатмоқда. Бундан тегишли хулоса чиқармоқ даркор.

